




ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 16 ноябр, чоршанба № 184 (2025)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Жиззах шаҳрининг қоқ марказида «Меҳр-мурувват шахарчаси» курилиб, фойдаланишга топширилди. Унинг таркибиде кўзи ожиз ногиронлар учун турар-жойлар, би-чиш-тикиш, тўқиш, ду-радгорлик цехлари, бо-лалар мактаб-интерна-ти, ётоқхона, кутубхона ва спорт зали бор.

Айни кунларда бу ерда ногиронларнинг ишлаб, дам олиб, яши яшашлари учун барча шарт-шароитлар яра-тилган.

Суратларда: тикув цехида.

К.ЖҲҲАҚУЛОВ олган суратлар

Бир Фармон шарофати ЭРКИН ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектлари-ни текширишни янада қисқартириш ва унинг тизим-ини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги Фармони ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишини кафолатлади.

Хўжайли шаҳрининг аҳоли зич жойлашган худ-дида кўркам бино қад кўтарди. Муҳташам иморат-ни бунёд этган хусусий мулк эгалари Юртбоши-мининг иқтисодий эри-кинлаштиришга қаратилган фармон ва қарорлари ту-файли ўз иш жараёнида янада кенгайтириш им-кониятига эга бўдилар.

Қорақалпоғистонда тад-биркор Улуғбек Соатбоев-ни яхши билишди. Халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги фидойи меҳнати билан эл назарига тушган, тажрибали мутахассис 2003 йилнинг январ ойида «Са-ратон-Конфи» ишлаб чиқариш корхонасини очишга муваффақ бўлган эди. Даст-лаб бир мунча қийинчилик-ларга дуч келинди. Лекин масъулияти чекланган жа-мият аъзолари муаммолар-нинг ечимини топиш учун тинмай изландилар.

Дастлаб «Савдогарбанк»-дан 20 миллион сўм кре-дит олинди, унинг 17,5 миллион сўмига Россияда ишлаб чиқарилган ускуна-лар харид қилинди. 14 на-фар киши доимий иш би-лан таъминланди. Биргина ўтган йилнинг ўзиде 117 тонна қандолатчилик ва 270 тонна макарон махсу-лотлари ишлаб чиқарилиб, 8,2 миллион сўмлик соф-фойда олинди. Банк кре-дiti вақтида қайтарилди.

Янги технология сама-ра берди. Корхонада тайёрла-наётган 8 хил маҳсулотнинг асосий харидори «Қорақал-поқсавдо» уюшмаси ва хусу-сий тадбиркорлар ҳисобла-нади. Айни пайтда Хўжайли ва Көгейли шаҳарларида ҳам фирма дўконлари очилди. Сифатли маҳсулотнинг хари-дорлари кўпайиб бормоқда.

— Тадбиркорлик суб-ектларини ривожланти-риш, уларнинг эркин фао-лияти, ҳуқуқ ва манфаат-ларини ҳимоялаш бораси-да аниқ тадбирлар амалга оширилаётганлигини маъ-нумиз, - дейди биз бил-лан суҳбатда корхона раҳ-бари. — Президентимиз-нинг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожланти-ришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, тад-биркорлик субъектлари-нинг ҳўжайли соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини

эркинлаштириш ҳақидаги Фармонлари кучимизга-куч, ға йратимизга-ғайрат қўшди.

Мамлакат иқтисодини та-раққий эттиришга муносиб ҳисса қўлиш, юрт ободли-ги ва халқ фаровонлигини юксалтириш корхона жамо-асининг асосий мақсади. Жорий йилда 35 миллион 224 минг сўм маблағ сар-фланиб, кенг ва ёруғ бино қуриб битказилди. Маҳсу-лот турини кўпайтиришни назарга тутиб 13 миллион сўмга вафли печенъеси ишлаб чиқарувчи замона-вий дастгоҳлар ўрнатилди. Ҳозир 3 хилдаги ширин ва мазали печенъелар тайёр-ланаёпти.

2005 йилда «Ташаббус» танловининг республика босқичида иштирок этган У.Соатбоев «Энг самарали лойиҳа» номинацияси бўйича ғолибликни эгалла-ди ва юртбошимиз совғаси «Pentium-IV» компьютери билан тақдирланди.

Юсак мукофот тадбир-корларни руҳлантириб юборди. Ишлаб чиқариш жараёнини кенгайти-риш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тадбирларини белгиладилар. Яқин кунлар-да қандолат ва макарон маҳсулотларининг янги тур-ларини тайёрлашга кири-шилади. Ишчилар сони кўпайтирилиб, малакаси оширилди. Энг муҳими, ҳодимларнинг унумли меҳ-нат қилишлари учун қулай шароит яратиб берилган.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак. Жами-ят жамоаси ўндан ортик кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни ҳоми-йликка олган. Уларга 300 минг сўмликдан зиёд мод-дий ёрдам кўрсатилди. Бо-лалар спортини ривожланти-риш жағғармасига маблағ ўтказиб берилди. Ёлғиз қаришлар, ногиронлар дои-мо қўллаб-қувватланмоқда.

Кейинги пайтда Орол-бўйи савдо дўконларида бир-бирдан мазали конфет ва қандолат маҳсулотлари, сифатли макаронлар пайдо бўлиб қолди. Бундай ноз-неъматлар хориждан келти-рилгани йўқ. Қалбиде яра-тувчилик иштиёқи жўш ур-ган хўжайлилик тадбиркор-лар ҳамюртлари дастурхо-нига давлат стандартлари талабига тўлиқ мабӯ бера-диган хилма-хил маҳсулот-ларни етказиб беришарти.

И.ИСОМИДИНОВ

Тадбиркорлик — давр талаби

Шундайлар борки, уларнинг ҳаёти мазмунли одамларнинг турмуши, ютуқлари билан боғлиқ бўлади. Ҳаммининг бахтли ҳаёт кечирини хоҳлайдиган меҳнатқаш, ҳиммати баланд кишилардан бири Оккўргон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжали-ги раҳбари Абдумалик Каримовдир.

ГУРИЛЛАЙВЕР ТЕГИРМОН

1995 йилда ўз фаоли-ятини кичик қувватли од-дий ун тегирмонини ишга туширишдан бошлади. Ҳаёт лаззатини осойишта турмушда эмас, ҳаракатда, меҳнат қилишда, яратувчи-ликда, одамларга фойда келтиришда, деб билди. Шу мақсадда ташландик майдонни хусусийлашти-риб, уч ярим минг туп те-рак ўтказди. Кейинчалик, яна ер олиб, пахта, буг-дой экиди. Замин имкони-ятларидан самаралироқ фойдаланиш йўларини излади.

Меҳнатни улуглаган кам бўлмас экан. Абдумалик ака бошчилигидаги жамоа ер унумдорлигини оши-риш орқали кўпроқ ман-фаат қўришни амалда си-наб кўргач, янги мавсу-мда янада изланди, унинг учун аввало ижтимоий ма-салаларга эътибор қара-ди. Ишчилар маошдан та-шқари йил якунида муко-фот пуллари олиб, шарт-нома мажбуриятининг ор-ган бугдой уларга тарка-тилди. Бундан ташқари тушликда иссиқ овқат, рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Ижтимоий масалалар ва ишчилар рағбати шакл-лангач, меҳнат унумдор-лиги ҳам орта борди. Бу йилги мавсумда 84 гектар ерда етиштирилган буг-дойдан 17 миллион сўм соф фойда олинди. Агар таққослаб кўрилса, ўтган йили пахта ва галладан шунча сўм фойда олинган эди.

Уста тадбиркор бош бўлган жамоа пахтачилик-да ҳам қувончли натижа-ларга эришди. Далалардан 14 иш кунда 250 тонна-дан ортик хом ашё йиғи-штириб олинди. Бундан 200 тоннаси шартнома мажбу-рияти бўйича, қолгани қўшимча ҳосил. Бу ҳам яна бир неча миллион сўм даромад ва соф фойда нақд эканлигидан далолат.

Ишнинг кўзини билла-дан, ҳақиқий фермернинг ишлари туман, вилоят ми-

қесида муносиб баҳолана-ётди. Шунинг учун ҳам танлов ғолибига яна қўшимча экин майдонлари ажратилди. Бугунги кунда фермернинг 175 гектар экин майдони бор. Дои-мий ишловчилар 100 на-фар кишидан ошди.

Эътибор тортиган яна бир жиҳати - унинг хайрия, са-ховат ишларидир. Туман мутасаддиларининг таъ-кидлашча, бир йилда хай-рия ишларига 8 миллион сўм сарфлабди. 14 ва 37-мактабларни таъмирлаш, мустақиллик байрами кун-ида тумандаги 12 ёшга кир-ганларнинг мўчал тўйлари-ни ўтказиш, қишлоқдаги бешта оила фарзандлари-нинг суннат тўйларини ҳам муносиб равишда ўтишини таъминлаш, кам таъмин-ланган оилаларга кўмак бериш каби ишларни у ўзининг одатдаги кўндalik ишларидан бири, деб ҳисоблайди. Бундан таш-қари у 6 нафар ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказиб берди. Самарқанд вилоят-ида ҳарбий хизматини ўта-ётган оққўргонлик йигит-лар билан урчушў ўтка-ришни ташкиллаштириш, ҳомийлик қилиш ҳам ота-оналар ва ёшларнинг хо-тирасида доимо қоладиган воқеа бўлди. Наврўз, Мус-тақиллик байрамлари, хай-итларда ҳам таъминланган кишиларни қўллаш унинг доимий эътиборида.

Фермернинг кейинги режаларидан сўраганими-зда кулиб туриб:

- Келинг, яхшиси сизга янги тракторларимизни кўрсатаман, - деди.

Қаторда турган трактор-лар сафига яна 3 та «Бе-ларус» қўшилибди. Икки-таси лизинг асосида, 1 таси нақд пулга олинган бу-қудратли техникалар фер-мер меҳнатини янада эн-гиллаштириб, ер самара-дорлигини оширишга хиз-мат қилмоқда. Ҳозирги кунга келиб хўжалик 12 та тракторга эга бўлди.

Т.ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ва-зирлар Маҳкамаси ҳузурдаги вояга етмаганлар иш-лари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни республика Бош прокурори, мазкур ко-миссия раиси Р.Қодиров бошқарди.

Йиғилишда Тошкент ша-ҳар ва Самарқанд вилоятида жисмоний нуқсон бўлган ҳамда тарбияси огир бола-ларни аниқлаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва банд-лигини таъминлаш, таълим-тарбия бериш, соғлигини му-ҳофаза қилиш ҳамда қилар-ни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишларнинг аҳо-ли муҳофазаси этилди.

Мамлакатимизда бу ишга жиддий эътибор берил-ляпти. Ҳукуматимиз, «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жағғармаси ва ҳомийлар томонидан ажра-тилган маблағлар ҳисобига юртимиздаги 28 та меҳри-бонлик уйи, 85 та иқтисос-лаштирилган махсус мактаб-интернат таъмирланиб, за-монавий ўқув қуроллари ва тиббий асбоб-ускуналар би-лан жиҳозланди.

Ногирон болаларнинг таъ-лим олиш ҳуқуқини рўйга чи-қаришга қаратилган ишлар-нинг яхшиланishi натижаси-да махсус мактаб-интернат-лардаги ўқувчилар ва акка тартибда уйда таълим олаёт-ган болалар сони сезиларли дара-жада кўпайди. Ногирон бола-ларни протез-ортопедия мах-сулотлари ва ногиронлик ара-вачаси билан таъминлаш 50 фоиз ортиди.

Бу борада Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оши-рилмоқда. Жумладан, Тош-кент шаҳар ҳокимлиги ҳузу-ридаги вояга етмаганлар иш-лари бўйича комиссия фао-

лият самарадорлигини оши-риш учун 4 тўпладан иборат бўлган 500 дан ортик ўқув-қўлланмаларни жойла-рга етказиб берди. Шайхон-тоҳур туманида замонавий усулда қурилган «Болалар ижодиёти уйи» фойдаланиш-га топширилди.

Жойларда худудий комис-сиялар томонидан «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жағғармаси билан ҳамкорликда ногирон бола-ларга аравачалар ва ота-она-сидан маҳрум бўлган бола-ларга кийим-кечаклар мун-тазам бериб берилмоқда.

Йиғилишда бу борада барча имкониятлардан етар-ли даражада фойдаланилма-ётгани, қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаёт-гани таниқланди, уларни бар-тараф этиш юзасидан тегиш-ли чора-тадбирлар белги-ланди.

Беҳзод НОРБОВЕВ, ЎЗА мухбири

қилади. Мавжуд 215 та спорт секциясида беш мингта яқин бола шуғулланыпти.

Шунингдек, йиғилишда Болалар спортини ри-вожлантириш жағғармаси вилоят филиалининг 2005 йилга мўлжалланган сметаси қандай ижро этилаётгани билан боғлиқ масалалар, қишлоқ жойларида спортни оммалаштириш борасида қилинаётган ишлар, бу йилдаги ечимини кў-таётган муаммолар ҳусусида сўз юритилди. Мав-жуд камчиликларни бартароф этиш юзасидан му-таассад раҳбарларга топшириш ва кўрсатмалар берилди.

Муҳофиза этилган масалаларни ҳал этиш юза-сидан аниқ вазифалар белгиланди.

Пахтаобод Андижон вилоятидаги чегара худудлар-дан саналди. Ўтган йили ишлаб чиқариш самара-дорлиги паст бўлган 4 та ширкат хўжалиги асосида янги фермер хўжаликлари ташкил топди. Натижада 3563 гектар ерда дехқончилик қилган қишлоқ мулк-дорлари 10 минг тоннадан зиёд биринчи нав ҳосил етиштирдилар.

Фермерлик ҳаракатининг самараси жорий йилда яна-да яққолроқ кўзга ташлан-ди. Пахтачилик ва галлачи-ликда доим оқсаб келган пахтаободликлар 24 минг тоннага яқин «оқ олтин», шартномавий режадагидан 2012 тонна кўп бугдой тай-ёрлаб, давлат бюртмасини пешқадамлар қаторида уд-даладилар. Дончиликдан мўмай даромад қилинди. Пахтачиликда ҳам фойда салмоғи кўпайиши кутил-моқда. Ана шу меҳнат юту-қларида шу кунларда фаоли-ят кўрсатаётган 700 та фер-мер хўжаликлари, 10 минг-дан зиёд оилавий пудрат-чиларнинг муносиб улуши бор.

Меҳнатчиларни ижтимо-ий-иқтисодий ҳимоялаш-нинг муҳим шарти - иш-ловчиларнинг моддий ман-фаатдорлигини ошириш,

ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Бу йил олтириқлик дех-қонлар 7900 гектар майдон-га бугдойнинг серҳосил «Половчанка», «Чиллаки» ва «Крошка» навларини экиш-ган. Айни кунларда тўлиқ униб чиққан майсаларни озиклантириш ва сўғориш ишлари давом этаётди.

Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги дехқонла-ри бу борада барчага ибрат бўлмоқда. Улар мавжуд 475 гектар майдондаги бугдой майсаларини сўғориб, ма-ҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантирди. Дала-лардаги барвақ ривожлана-ётган бугдой майсаларини қуриб кўз қувонади.

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШГАН МАЖМУА

Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар ўртасида спортни янада оммавийлаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сибаси даражасига қўтарилган. Айниса, бола-лар спортини ривожлантириш алоҳида эътиборда.

Шу йилнинг 8 ноябр куни Оксаройда ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ри-вожлантириш жағғармаси Ҳомийлик ке-нашининг навбатдаги йиғилишида Пре-зидентимиз Ислам Каримов болалар спортини ривожлантириш жағғармасини тузишдан асосий мақсад - истиқлолнинг илк йилларидаёқ белгилаб олинган мақ-сад-муддаолиримизга, қўраётган жамия-тимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маъ-нан соғлом, ҳеч қимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашдан иборат эканлиги-

ни алоҳида таъкидлаганди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани-да «Белтепа» болалар спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилиши ана шундай эзгу ниятларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўлиши шубҳасиз.

Спорт қоҳонаси Ўзбекистон Халқ таъ-лими вазирилик ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси ҳамда ҳомий ташкилотлар маблағи ҳисобига қад-роқлаштирилди. Мазкур мажмуада ёшлар спорт-нинг футбол, волейбол, баскетбол, мини-футбол, кўл тўпи, кураш, бадий гимна-стика каби турлари билан мунтазам шуғул-ланиши мумкин.

Мажмуанинг очилишида Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

(ЎЗА)

Дўст ачитиб гапирди

қабулқонда сарғайиб кутаёт-ган ишловчилар билан гурун-глашганимизда уларнинг ақ-сарияти иш ҳақларини олол-май сарсон бўлаётганилари-

лан ажралишган. Ҳар ойда алимент тўлаши керак. Суд ижроси тўлов бажа-рилишини талаб қилиб ҳар кун ишчиликни қочади.

Биологатория назор-ратчиси Дилоромхон Ко-диров эса жорий йилнинг июл ойидан буюн парва-ришидаги тўлагининг на-фақа пулини ололмай хай-рон. Нафақа тўлови ҳақида иш берувчи - ширкат хўжалиги маъмурияти, Те-рактаги маҳалла фуқаро-лар йиғинига мурожаати ханузгача жавобсиз. Она-хоннинг қуёниб айтиши-ча, ёстиққонда Илхомжон Қодиров ҳам мазкур шир-кат хўжалигининг 6-пудрат бригадасида 50 сотиқ май-донда ижарачи бўлиб иш-лайди. Шартномавий ре-жаларни қанда қилмай адо этади. Аммо ойлик ма-ошдан дарақ йўқ. Қизик, ширкат режаларини бажа-риб, мўмай даромад қил-саю, ишловчилар ҳақини ололмас.

(Давоми 2-бетда)

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва спорт билан фаол шугулланишга, ҳамда соғлиқни сақлашнинг долзарб масалаларини янада чуқурроқ англаб етишга асос бўлди. Вилоятдаги ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда "Сихат-саломатлик йили" Давлат дастурининг ижроси бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш тизимида жорий йил бошидан бери бир мунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Саломатлик марказлари томонидан "Фарзандлари соғлом юрт-қудратли бўлур" ва бошқа мавзуларда 300 дан ортиқ суҳбат ўтказилди. Уларда 20 мингдан ортиқ аҳоли қатнашди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайлида репродуктив саломатлик, алкогольизм, тамаки чекиш, жинсий алоқа орқали инфекция юқиши мавзулари бўйича тадбирлар ўтказилди. Жумладан, вилоят ОИТС маркази томонидан СПИД касаллигининг олдини олиш бўйича 50 дан ортиқ учрашув ўтказилиб, уларга 15 мингдан ортиқ киши жалб қилинди.

— Аҳолининг барча қатламларига тиббиёт хизматини етказиш, эътирозларга чек қўйиш, асосий мак-

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

гол зарари ҳақида"ги 6,5 мингдан ортиқ эслатма ва рақалари чоп этилиб, жойларга етказилди.

Ўқув муассасаларида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги ўрта умумтаъ-

саломатлигини муҳофаза қилиш дастурини амалга ошириш мақсадида барча шаҳар ва туман марказий поликлиникалари қошида малякули мутахассислардан иборат гуруҳлар тuzилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 448 минг 705 на-

башкармаси билан ҳамкорлик қилинган.

Шошилинч тиббий ёрдам сифатини яхшилаш мақсадида банкдан имтиёзли кредит олинди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида даволаш-профилактика муассасаларига 6 та "ДАМАС" русумли тез ёрдам автомашиналар етказиб берилди. Улардан 3 таси ҳомиёлар томонидан ҳада қилинган. Йил охиригача яна 5 та ана шундай транспорт олиш режалаштирилган.

Шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг ўзига 584 нафар шифокор шу мақсадда курсларга юборилди. 197 нафар турли мутахассисликлар бўйича малака тоифаларига эга бўлди. Ўрта тиббиёт ходимларидан 970 нафари ҳам тегишли тоифаларни кўлга киритди. Жорий йил бошида "МА-ШАВ" дастури асосида бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатишда "Оилавий ҳамшира" ишини такомиллаштириш бўйича 5 нафар ҳамшира Исроил давлатида ўқиб келди.


К. БОЙМУРОВА, "Ишонч" мухбири

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ


садимиз. Бошқача айтганда, саломатликка зарар келтирадиган омилларни йўқ қилиб, соғлом турмуш тарзини яратиш керак, - дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурмат Отабеков. - Саломатлик институти Тошкент вилояти филиали томонидан "Болалар ёмон йўлга кириб кетмаслиги учун уларни қандай тарбиялаш лозим?" ва "Чекишдан воз кечса бўлади" деб номланган буклетлар чоп этилиб, тадбирларда тарқатилди. Бундан ташқари, "Саломатлик маркази оғоҳ этади", "Ботулизм", "Диққат-грипп!", "Сариқ касаллигидан эҳтиёт бўлинг", "Алко-

лим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ҳамда касбунар коллежларида "Соғлом оила асослари" мавзусида 16 соатлик дарслар ўтказилди. Германия ҳукуматининг гранти асосида 40 минг дондан ортиқ ўзбек ва рус тилларида ўқув материаллари олинди. Дарсларни мутахассислар олиб боришмоқда. Шунингдек, вилоятнинг акарият туманларида қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулатория шифокорлари ўзларига бириктирилган мактабларда "Соғлом турмуш тарзи" асослари тўрисида мунтазам равишда давра суҳбатлари ўтказмоқда.


Вилоятда 14 ёшгача бўлган 747603 нафар болалардан 70 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилди. 6 ёшли болаларни чуқурлаштирилган тиббиёт кўриқлардан ўтказиш учун Халқ таълими



Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



«Октошдон» акциядорлик жамияти иқтисодий ривожланиш йўлига тушиб олган корхоналардан. Бу ерда махсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Айни пайтда корхонада 860 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг меҳнат қилишлари учун етарли шaroит яратилган. Ходимлар махсус иш кийимлари билан тўлиқ таъминланган. Меҳнаткашлар ўртасида техника хавфсизлиги бўйича кенг тушунириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган ишчиларни ижтимоий муҳофазалаш борасида катта аҳамият қаратилган.



ШУ ТЎҒРИМИ?

Саволларингизга Дилором Зияева жавоб беради

Савол: туғишгача ва туққандан кейин касаллик варақиси учун тўла-надиған тўловни иш берувчи эски оқладда ҳисоблаб чиқармоқда. Шу тўғрими?

Ш.ДАДАХОНОВА, Дўстлик тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлигининг "Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўрисида"ги Низомига биноан нафақани ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи асос қилиб олинмайдиган давр мобайнида ҳодимнинг иш ҳақи миқдори ўзгарса, иш ҳақи ҳисоблашда иш ҳақи ўзгарган кундан бошлаб тўланган иш ҳақи олинади.

ланган бўлса, нафақа ҳам тегишли равишда ошади.

Савол: Нострификация қилинмаган диплом билан ўқитувчилик вазифаларида фаолият кўрсатиш мумкинми?

Р.СУЛТОНОВА, Питнак шаҳри

Жавоб: Хорижда ўқиб келган шахсларнинг дипломлари Республикаимиз ҳудудида албатта нострификация қилиниши керак. Мазкур масала Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-қарори билан тасдиқланган "Хорижий давлатларда таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентликни кайд этиш" (нострификациялаш) Низомини билан тартибга солинади. Ушбу тартиб асосида Давлат теш маркази қоридидаги кадрлар тайёрлаш,

Ходим узрли сабабларга кўра иш ҳақига эга бўлмаган қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақидан нафақа ҳисоблаб чиқарилиши, лозим бўлган ҳолларда нафақа тариф ставкаси (лавози машини) ва муқофотларнинг ўртача ойлик миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши лозим. Бунда тариф ставкаси эки энг кам иш ҳақи туман коэффициенти ва устамалар белгиланган жойларда ишлаганини учун берилмайдиган устамаларни ҳисобга олган ҳолда асос қилиб олинади. Шунингдек, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш даврида иш ҳақи ўзгарган бўлса шу даврдан бошлаб нафақа миқдори ҳам тегишли равишда қайта ҳисоблаб чиқарилади. Агар нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақига қўшимча ҳақ ҳисоб-

сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг нострификация бўлими шугулланади. Нострификациядан ўтмаган дипломлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Савол: давлат транспортларида кимлар бепул ёки имтиёзли юриш ҳуқуқига эга?

Х.МАХМУДОВА, Ромитан тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги "Шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўрисида"ги 278-сонли қонунига биноан шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи куйидагилар учун сақлаб қолинади:

- 1941-1945 йиллар уру-

Савол: агар ходим ўз ҳуқуқини тўғридан тўғри қўлдан кўчириб олиши мумкинми? Агар йўқ бўлса, қанча вақт ичида?

З.АМИНОВА, Қарши шаҳар «Сувоқова» ОАЖ кадрлар бўлими бошлиғи

Жавоб: амалиётда меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг кўп қўлдан кўчирилган турли, бу ҳодимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўлади. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Масалан, ҳодимга иш шартининг маълум бўлмағлиги, бошқа жойга яшаш учун кўчиб кетиши, ўқушга кириши, нафақа олиши ва ҳақ-заҳар.

оғоҳлантириб бекор қилиши мумкин. Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун фақат унинг ёзма равишда ёзган аризаси асос бўлади.

Меҳнат шартномасини МҚнинг 99-моддасига асосан бекор қилишда фақат ҳодимнинг ҳожди бўлиши талаб олинади. Агар меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳодимнинг ҳожди эмас, балки уни ариза ёзишга мажбур қилган иш беришнинг нокўрали ҳаракатлари (афғир, қўриқлиш, меҳнат шартини қўриқлиш ва унга ҳақ тўлаш асосида ёмонлаштириш) сабаб бўлган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилиш нокўрали деб топилмайди. Худди шундай бўлиб суд амалиёти ҳам қўллаб-қувватланади. Ўзбеки-

стон Олий Суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тартиби, ўзгариши ва бекор қилишнинг тартибига соҳибона қўриқлиш тўғрисида» ҳужжатда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги низоларни кўришда судлар меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳаққонан ҳам ҳодимнинг ҳожди бўлиши, шартнома бекор қилишнинг ҳаққонан сабабларини аниқлаш лозимлигини таъкидлаб берган.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза берган ходим, оғоҳлантириш мuddати давомидан ўз меҳнат вазафаларини белгиланган тартибда бажариши, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиши шарт. Акс ҳолда иш бериш унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жаза чораларини

ВИТАЛИЙ КЛИЧКО - РИНГГА ҚАЙТАДИМИ?



Хаятда ҳар нарсани бўлиши мумкин, айниқса, спортчилар фаолиятида бугунги гап эртага тўғри келмай қолиши кўп бор кузатилади.

Ўтган ҳафтада боксдаги фаолиятини яқунлашини билдирган WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони украиналик Виталий Кличко яна рингга қайтиши мумкинлигини билдирган. Хасим Раҳмон билан ўтиши лозим бўлган жағда рингга чиқа олмагани сабаби жароҳат эканлигини таъкидлаган боксчи ўз аҳдидан қайтмаслигини айтган.

«Жароҳат олган тиза билан бир раунд ҳам жанг ўтказма олмаслигим ҳақида врачлар оғоҳлантиришди. Бундан ташқари, мени ўз тамойилларимдан ҳаттоки саккиз миллионлик гонарар ҳам қайтара олмайди,- дея баёнот берган боксчи.

Ўзининг рингга қайтиши ҳақида гап очилганда у шундай деган: «Қачонларидир рингга қайтишим мумкин. Фақат Леннокс Льюис менга жанг ўтказиш ҳақида тақлиф билан чиқсагина жон деб ўз қароримни ўзгартирардим».

РОББЕН — «ЛИВЕРПУЛЬ»ГА ЎТАДИ

Лондоннинг «Челси» жамоаси ярим ҳимоячиси Арьен Роббен «Ливерпуль» жамоаси сафига қўшилиши мумкин. ОАВ да тарқатилган хабарларга кўра футболчи жамоа мураббийи Жозе Моуринью билан салбий муносабатда бўлганлиги боис клубдан кетиши аниқ.

Роббенга қизиқиш билдирган жамоалар орасида «Ливерпуль» уни сотиб олишга яқин турибди. Голландиялик 21-ёшли футболчи яна «Манчестер Юнайтед» ҳамда «Тоттенхем» жамоалари қизиқиш билдирмоқда.

ИБРАГИМОВИЧ - ЭНГ КУЧЛИ

Швецияда йилнинг энг кучли футболчиси номи маълум бўлди. «Ювентус» жамоаси ҳужумчиси Элатан Ибрагимович «олтин тўп соҳиб» га айланди. Бу номга Италия чемпионатида кўрсатган чиройли ўйинлари тўғрисида эришти. У мавсумда 16 тўп киритди.

Муҳлислар ўртасида ўтказилган ҳамма давраларда Швециянинг энг номдор футболчиси сўрвонмасида Хенрик Ларссон голиб деб топилди.

ПАРЛАМЕНТГА ПЎПИСА

Либериалик афсонавий футболчи ва миллионер Жорж Веа тарафдорлари бўлган мамлакат парламентининг 18 нафар аъзоси навбатдаги қонунчилик орга-

Спорт оламида

ни йиғилишда байкот эълон қилишини маълум қилган.

Бунга сабаб қилиб, мамлакат президенти сайловларида Веадан «ғалабани тортиб олишгани» кўрсатилган. Соёқ футболчи раҳбарлик қилаётган «Конгресс демократик ўзгаришлар учун» партияси мамлакат парламентида кўпчилиكنи ташкил қилади. Шу боис улар парламентга пўпса қилишган.

Сайловларда соёқ молия вазири Жонсон -Серлиф расман ғалаба қозонган бўлсада, футболчи ВВСга берган интервьюсида сайловнинг иккинчи турини қайтадан ўтказишга эришишини билдирган.

Оғир атлетика
ҲАМ ЧЕМПИОН, ҲАМ ЖАҲОН РЕКОРДЧИСИ

Қатар пойтахти Доҳада давом этаётган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида россиялик 18 ёшли Зарема Касаева биринчи олтин медали кўлга киритди. 69 килограмм вазнда қатнашган Шимолий Осетия вакили икки машқ давомида 275 килограмм оғирликни кўтарди. Ундан кейин хитойлик Лю Хайся бир килограмм фарқ билан ортда қолди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Касаева силтаб кўтаришда 157 килограмм натижа кўрсатиб, жаҳон рекордини янгилади.

Чемпионатда умумжамоа ҳисобида хитойлик спортчилар етакчилик қиляпти. Улар ҳисобида 10 та олтин медал бор.

Теннис
ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТДА



Давиденко америкалик Андре Агассини мағлуб этди. Бу мағлубият сабаби эса Агассини олган жароҳат тўғрисида. Унинг тугаши билан у мусобақаларни тарқ этишини билдирган.

«Баҳсларда қатнашиш ҳаётим ҳамда келгуси фаолиятим учун хавфли бўлиб қолди. Афсус, ҳаммаси омадсиз тугади,-деган теннисчи.

А. МАМАЖОНОВ тайёрлади

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

Косонсойда 1981 йилдан бери фаолият кўрсатаётган тиббиёт ўқув маскани ҳозирда коллежга айлантирилган. Ўтган йиллар давомида мазкур ўқув даргоҳида 6 минг нафардан ортиқ тиббиёт ҳамширалари тайёрланди. Улар республикамизнинг турли ҳудудларида муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар.

Бугунги кунда билим масканида 1500 нафардан ортиқ ўғил-қиз тахсил олаётган бўлиб, уларга 82 нафар олий маълумотли, етук билимга эга ўқитувчилар илм ва касб сирларидан сабоқ бериб келмоқда.

Коллежда ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда бу ерда 52 та кенг ва ёруғ, замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган фан кабинетлари, жумладан, 3 та компьютер хонаси, 22 минг 246 та китоб фондига эга бўлган кутубхона, 60 ўринли қироатхона, 400 ўринли ётоқхона ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган.

Шунингдек, шинам спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи майдончалари ўқишдан сўнг доимо гавжум бўлади. Рус ва хорижий тиллар бўйича 4 та лингфон, 8 та лаборатория хоналарига барча зарур ўқув жиҳозлари олиб келтирилган.

—Билим масканимизда ҳар бир ўқувчига етук ва самарали билим беришга алоҳида аҳамият қаратганмиз,- дейди коллеж дирек-

тори М.Азизов. —Ўқитувчи ва мураббийларнинг илм салоҳияти мустаҳкамланиб боришига эришилаётган. Масалан, улар республика миқёсида илмий ўқув адабиётлари яратишда ўрнатилган сабоқ билан, ўқув даргоҳининг «Ҳамширалик иши» фани ўқитувчиси Қ.Иномов мазкур йўналиш бўйича дарслик

ёшларга ўрнатилган келаяпти.

Билим даргоҳи маъмурияти томонидан ўқитувчи ва тарбияланувчиларга кўрсатилаётган ижтимоий ҳимоя ҳам эътиборга лойиқ. Ҳар бир байрам бу ерда алоҳида ҳурсандчилик билан нишонланади. Маскандан 9 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ёшлар таълим олаётган бўлиб, улар доимий равишда коллеж маъмуриятининг оталигига олинган. 15-20 йил мазкур даргоҳда меҳнат қилган 8 нафар фахрийлар ҳам эътибордан четда қолмаётган йўқ. Байрам ва тадбирларга тақлиф этилиб, қимматбаҳо совға-саломлар улашлади, кўнгиллари овланади.

Коллежда ўқувчиларнинг спорт билан шугулланишлари ҳамда турли мусобақаларда иштирок этишларига алоҳида аҳамият билан қаралаётган. Улар туман ва вилоят миқёсидаги баҳсларда муваффақиятли қатнашишмоқда. Ободонлаштириш ишларига ҳам эътибор берилаяпти. Жорий йилда билим маскани атрофида 2000 туп терак, 50 туп хурмо кўчатлари экилди ва 0,5 гектар майдон гулзорга айлантирилди.

О. ЭРГАШЕВ, "Ишонч" мухбири

АСКАРЛАР УЙГА ҚАЙТМОҚДА

Бу ерда мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларидан ҳарбий хизматини ўтаб бўлган аскарларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Ҳарбийлар, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда сўзга чиққан Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани, мамлакатимизнинг муудофа қобилияти тобора мустаҳкамланиб, профессионал армиямиз шаклланиб бораётганини алоҳида қайд этиб, Ватан олдидаги йиғитлик бурчини адо этиб, оила бағрига қайтаётган йиғитларни самийий қутладилар.

Маросимда заҳирага бўшатиладиган аскарлар бундан кейин ҳам эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилажакларини, бутун куч ва имкониятларини мамлакатимиз тараққиётига сафарбар этишларини таъкидладилар. Отанаси бағрига қайтаётган бир гуруҳ Ватан ҳимоячиларига тантанали равишда олий ўқув юрталарига ўқишга кириш учун имтиёз берувчи тавсияномалар топширилди.

ИШДАН БЎШАШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Саволингизга ҳуқуқшунос Ғофуржон Ғойибов жавоб беради

Меҳнат шартномасини МҚнинг 99-моддасига асосан бекор қилишда фақат ҳодимнинг ҳожди бўлиши талаб олинади. Агар меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳодимнинг ҳожди эмас, балки уни ариза ёзишга мажбур қилган иш беришнинг нокўрали ҳаракатлари (афғир, қўриқлиш, меҳнат шартини қўриқлиш ва унга ҳақ тўлаш асосида ёмонлаштириш) сабаб бўлган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилиш нокўрали деб топилмайди. Худди шундай бўлиб суд амалиёти ҳам қўллаб-қувватланади. Ўзбеки-

стон Олий Суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тартиби, ўзгариши ва бекор қилишнинг тартибига соҳибона қўриқлиш тўғрисида» ҳужжатда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги низоларни кўришда судлар меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳаққонан ҳам ҳодимнинг ҳожди бўлиши, шартнома бекор қилишнинг ҳаққонан сабабларини аниқлаш лозимлигини таъкидлаб берган.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза берган ходим, оғоҳлантириш мuddати давомидан ўз меҳнат вазафаларини белгиланган тартибда бажариши, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиши шарт. Акс ҳолда иш бериш унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жаза чораларини

қўрсатиладиган кўра ҳодимнинг аризасида

МҚнинг 99-моддасига асосан бекор қилишнинг тартиби, ўзгариши ва бекор қилишнинг тартибига соҳибона қўриқлиш тўғрисида» ҳужжатда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги низоларни кўришда судлар меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳаққонан ҳам ҳодимнинг ҳожди бўлиши, шартнома бекор қилишнинг ҳаққонан сабабларини аниқлаш лозимлигини таъкидлаб берган.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза берган ходим, оғоҳлантириш мuddати давомидан ўз меҳнат вазафаларини белгиланган тартибда бажариши, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиши шарт. Акс ҳолда иш бериш унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жаза чораларини

ЧЕМПИОН ҚИЗ ОРЗУСИ


Шарқ яққолашларининг жозибаси ҳар қандай кишини ўзига ром этди. Бугун у-шу, қарат, таъвоқдо, дэю-до каби спорт турлари билан ўсмирлар қаторида қизларимиз ҳам фаол шугулланмоқда. Айниқса, таъвоқдонинг ҳар икки йўналишида қизлар кўпчиликини ташкил этади.

Мадина Умарбоева – бу спорт тури билан 8 йилдан буён шугулланиб келади. Устози Фахриддин Умаров кўл остида шугулланган қаҳрамонимиз бир неча халқро ва мамлакат миқёсидаги турнирларда зафар қучган. Таъвоқдо ИТФ бўйича 1-ДАН қора белбоғ соҳибаси. Бугун унинг ўзи ҳам ёшларга ушбу спорт турининг сирларини кўт билан ўргатиб келади.

– Уч йилдан буён мураббийлик қилиб келаман, – дейди Мадина Умарбоева, – Орузум ўзим эриша олмаган ютуқларга шогирдларим етишсин. Бу йўлда бор маҳорат ва тажрибамни ишга солиб, шогирдларим жаҳон майдонларида юртимиз байроғини сарбаланд этишни чин дилдан истаيمان. Шогирдларим Э.Тожиев, Ю.Худойберганава, М.Умарбекова, А.Амириалиев, Б.Сайридиновлардан умидим катта.

Ҳа, орзуга айб йўқ дейдилар. М.Умарбекова ҳали бу йўлда кўп машаққат чекиш лозимлигини яхши тушунади. Шу боис Сирғали спорт мажмуасига ташриф буюраётган ёш иктидорларга таъвоқдо сирларини кўт билан ўргатади.

А. ЮНУСОВ



Фахр

ОЛТИН ЯПРОҚЛАР

Мақтаб – маърифат улашадиган муқаддас маскан. Шу боис ўқувчида масъулият, моҳирлик, изланиш ва янгилик яратиб талаб қилинади. Жиззах туманидаги 6-умумтаълим мактабининг олий тоифали бошланғич синф муаллими Тамаара Зикриёеванин ўқувчилар нутқ маданиятини ўстиришдаги маҳоратини барча ҳамкасблари тун олишди. У ҳар бир дарсни болалар онгига тўлиқ етказишга ҳаракат қилди.

–Тушунтирилган дарсни савол-жавоб асосида муштахкамлаш яхши самара беради, – дейди муаллима биз билан сўхбатда. – Бу усул ўқувчининг оғзаки нутқига жуда ижобий таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, ўқувчида дарс жараёнида мавзуларни сўраб бориш фанларни пўжа ўлаштиришни таъминлайди. Биз Т.Зикриёеванин 2-А синфда математикадан бир соатлик сабоқ беришни кузатиб, бунга тўла амин бўлдик. Дарсининг мақсади ўқувчилардаги ҳисоблаш қобилиятини тарбиялаш, мустакил мисол ва масалалар ечишга ўргатиш эди. Ҳар хил фигура, рақам, рангли қўғоз, пластилиндан расмлар олма, нок шакли расмлар, ҳаракатли макет ва магнит доска каби ўқув жиҳозларидан фойдаланиб, қизиқарли ўйинлар, амалий иш ва савол-жавоблар асосида мавзу тушунтирилди.

Ўтган ўқув йилида синфдаги 36 нафар ўқувчининг 10 нафари аъло, 25 нафари яхши баҳоларга фанни ўлаштиришди. Шогирдларидан Нигора Тўхтаева, Марҳаб Тўйчиева, Милоҳат Аҳмаджоновалар ўзи билан ёнма-ён меҳнат қилиб, яхши ютуқларни кўлга киритишди. У кўп йилдан бери мактабда бошланғич синфлар услубий билишмасига раҳбарлик қилиб келмоқда. “Кичкинтой” деворий газетасини мунтазам чиқариб, унинг таъсирчан ва ўқимли бўлишига эътибор қаратади. Ҳар бир дарсининг кўргазмалари кўрал асосида ўтилишига катта аҳамият бериб, бугунги кунга муаллимнинг ўзи тайёрлаган кўргазмалари 1200

дан ошиб кетган. Тамаара Зикриёева 26 йилдан буён ўз касбини эъозлаб, ёшларга меҳрини улашиб келмоқда.

Шу давр мобайнида бир неча марта вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлик ва қимматбахо соғвалари билан тақдирланган. Жамоа ва маҳаллада ўзининг муносиб хўрмат-эътибори бор. У фидокорона меҳнатлари учун давлатимиз томонидан “Шўхрат” медали соҳиби бўлишга муносиб кўрилган. Тамаара Зикриёева 2000 йилдан бери вилоят ўқувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш олийгоҳида бошланғич синф ўқувчиларига ноънаввий дарс ўтиш тажрибасидан маърузалари билан қатнашиб келади. Тажрибали муаллимнинг “Оғзаки ҳисоблашга ўргатишда янги педагогик технологиянинг аҳамияти” мавзуда тайёрлаган методик қўлланмаси жорий ўқув йилида вилоятдаги барча бошланғич синф ўқувчилари учун қўлланма сифатида татбиқ этилганлиги қувончли ҳолдир.

А.САИДОВ

ҲАМКОРЛИК

Республикамизда фаолият кўрсатаётган Гёте институти шохобчаси томонидан амалдаги ошириётган маданият тадбирлар доираси кенгайиб бормоқда. Ўқув маъсасасининг мамлакатимиздаги театрлар билан ҳамкорлиги ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Гёте институти Тошкентдаги “Илхом” театри билан янги лойиҳа тадбирини белгилади. “Шарқ-Фарб” деб номланган халқро фестивал шулар жумласидан. Бундан ташқари, Ўзбекистон ёшлар театри билан ҳам алоқа йўлга қўйилди. Ўзаро келишувга биноан бу театр ўзининг навбатдаги спектаклини Гёте институти билан бамаслаҳат постановка қилади.

ФЕСТИВАЛНИНГ ЭКРАН ТАЛҚИНИ

Анъанана айланган “Шарқ тароналари” халқро фестивали илмий ижрочилик санъати учун ўзига хос жиддий нафосат кўриги бўлиб қолди. Нуфузли маданий тадбирнинг бу йилги намойиши ҳам муваффақиятли ўтди.

Қадимий ва гўзал Самарқандга уюштирилган навбатдаги бешинчи халқро фестивалга бағишланган ҳужжатли фильм яратилди. Ўзбекистон илмий оммабош ва ҳужжатли фильмлар студияси томонидан суратга олинган бу фильм “Минг бир оҳанг жилоси” деб номланди. Экран асарида республикамизга ташриф буюриб, ўз ижрочилик маҳоратини муваффақиятли намойиш қилган чет эллик санъаткорларга бағишланган лавҳалар томошабинларда қизиқиш уйғотди.

А.АЛИЕВ

Ит ва мушук нега бир-бири билан чиқишолмайди?!

Айтишларича, қадимда мушук итдан қарз олган ва уни ҳеч қачон қайтаришни истамас экан. Шунинг учун ҳам ит мушукни кўрди дегунича “қарзиндан нима учун қайтармайсан?” дея қувчи кетаркан. Хуллас, қарз деб аталувчи олди-бердиллар ўта азалий ва айни вақтда ўта нозик масала айланиб қолди! Агарда у билан боғлиқ ҳангомаларни эсласак борми... “қарз олтиғ машамшани ким ўйлаб чиқарганикин?” деган каттақон савол қаршимизда кўндаланг бўлиши аниқ.

Ҳўш, нега қарз оламиз, ўзи? Бесабр эканлигимизданими? Олган қарзимизни нима учун қайтаришга шўшмаймиз? Инсофни унутмайсизми? Шу икки ҳолатнинг оқибати эса кўпчилигимизга маълум.

“Қўшимдан олган қарзимни вақтида қайтаролмаганим сабабли турри йўл қилиб орқа девордан ошиб ўтадиган бўлдим, қўшим қўриб қолмасин деб уйга ҳудди мушукдек писиб кирардим, бу ҳол бир неча ҳафта давом этди” дейди бир танишим.

Сўнг кула-кула гапига хотима ясади:

“Қарзни олиб чиқишим биланоқ қўшим юзимга тикилди. Анча вақт кўримдингиз, хизмат сафарига кетганимдингиз, деб сўради. Қизариб-бўзариб бош иргадим. Шундан сўнг ҳеч қандай қарз олмасликка қарор қилдим. Қаёқда! Бир ҳафта ўтиб ҳамкасбимдан пул сўрадим. Берди. Уч кун ўтди, уни кун ўтди, сўнг ўн беш кун... Ҳар кун тўнг отиши билан ўйлабман, қаниди сеҳрларларга ўшаб қуф-суф қилсам буғунги кун яқшабага айланиб қолса! Аммо бунинг илоҳи йўқ...”

Мана шунақа гаплар!

Ҳангомалар эса ҳар кун, ҳар соатда давом этаверади.

СИЗ АДАШДИНГИЗ...

– Марҳаматдон деган исм аслида қиз болаларга қўйилади, нега сизни бунақа номлашган? – дея сўрайман кекса амаккимдан.

Шунда у олис йиллардаги бир воқеани хотирлайди.

Ота-ўлиб каттагина бошпанани тиклашимиз деб роса чинқирди бўлишди. Бу орада хонадонда чақалоқ дунёга келади.

– Фарзанд муборак, ўғлим! – дейди ота.

– Сизга набира қултур бўлсин! – дейди ўғил ҳам.

Лекин қарашаки ҳамён бум-бўш, уйда ҳеч вақо йўқ, ҳатто гўдакни йўрқақлашга бир парча латта ҳам қолмаган. Бунинг устига чақалоқ ҳам, онаси ҳам оч, ота-ўғилнинг роса боши қотади. Бу амаллаб кунни кеч қилишди. “Эртага бирор чорасини топармиз” дейишди. Аммо эртасига ҳам шу аҳвол...

Кечга яқин дарвоза тақиллайди. Ота чиқса, нотаниш йигит.

– Ассалому алайкум. Биз қарвон билан олисга кетганимиз, узоқ қўлиб кетдик. Сизлардан уэр сўраймиз, Омонатингизимиз вақтида қайтаролмадик, – дейди у.

– Қанақа омонат? Сиз адашдингиз чоғи, ўғлим.

– Йўқ, Отам сафарга кетаётиб сиздан пул олган эди, у ёқда ишимиз юришиб кетди, бироқ юртга тезда қайтолмадик. Мана, омонатингизни олинг, отам хаста эди, ўзим келавердим.

Уйга киришган, йигит белбоғидаги пулни хонтахта устига тўқайди. Сўнг изн сўраб ўрнидан туради. У кетган ота ўғилга дейди:

– Очиги, қарз ёдимдан ҳам кўтарилайми. Янги фарзандга Аллоҳнинг марҳамати бу, чақалоқнинг исмини Марҳамат деб қўямиз.

– Ҳўп, отажон, сиз нима десангиз шу, – дейди ўғил.

Амаким бу воқеани сўзлаётиб, “исмининг тарихи унутилган қарз билан боғлиқ”, дейди.

ЭРТАГА КЕЛИНГ, ЭРТАГА...

– Гулсароҳон, шу гапни шўр қилиб ёдлаб олганимиз, нима бало? Сизникига қатнайвериб оёғимда оёқ қолмади. Менга пул бўгун жуда керак, ахир! – дейди Саломат кўшини аёлга ялингандек боқиб.

– Эртага келинг, пулингизни албатта

бераман, – дейди яна у.

– Агар эртага қарзингизни узмасангиз, эрингизга айтаман, билиб қўйинг, – дея шарт-шўрт чиқиб кетади Саломатхон.

Мана уч ой ўтди. Ҳеч ўзгариш йўқ. Гулсаро “эртага келинг”, дейишдан қарчамайди. Саломат унинг уйига кириб-чиқариб бўлари бўлди. “Энди эрига айтмасам бўлмайди, шекилли”, ўйлади у.

Гулсаронинг эри каттақон идорада қандайдир лавозим эгаси. Уй-жойи бадасур, аёлию бола-чақасидан пулни қизғонмайди. Лекин Гулсаро тушмагур “мода”нинг кетидан қувгани қувган. Нима урф бўлса шуни олиб қияди, бунга пул қийдайми, ахир! Эридан ҳадеб сўрайвера-

ларнинг масъул ходимлари устидан иш қўзғадик. Кўп миқдорда қарз олган фуқароларимиз жазага тортиш керак, шекилли. Нима қилайлик, улардан шикоят қилаётганлар бор-да!

Уй эгасининг ранги оқарди, у бир Салимаҳонга, бир “прокурор аёл”га ҳовдираб қаради. Сўнг ўрнидан туриб, ичкари уйга кириб кетди.

– Дугонажон, қаёқдасан? Бизга руқсат, борайлик. Уртгоғимнинг иши кўп, шояяпти. Хайр, яхши қол! Аёл шўша-пиша улар ёнига келди. Ҳар иккови билан қуюққина омонлашди. Кейин Салимаҳонни бир четга имлади.

ҚАРЗ

билан боғлиқ ҳангомалар

ришни эп қўрмай, кўпинча қўшини Саломатдан қарз олади. Шу охири қарзини ҳеч узай демейди...

Бир кун Саломат қўшинисиникига чиқди “пулимни бермасангиз кетмайман”, деди қатий қилиб. Гулсаро “Тонг отсин, шунгача сабр қилмайсизми?” деди. “Йўқ!” деди Саломат. Шу орада уй эгаси шундан қайтди. Қўшни аёлга ажабланиб қаради. Бу нарса Саломатга оғир ботди.

– Гулсароҳон мендан қарз олудим, шуни сўраб чиққандим, – деди у.

– Нима? Нега қарз олади? Менга айтмаган-ку? – Сўнгра аёлини қийин-қистовга олди:

– Гулсаро! Сенга пул нега керак бўлиб қолди? Гапир!

– Ҳалиги, мен... Янги қўйлақ... олувдим!

– Сен ҳали бировдан қарз олиб қўйлақ қийдаган бўлдингми? Уятсиз! – Эркак аёлининг юзи кўзи аралаш шалпоқ тортиди.

– Вой, урманг! Ҳозир тўлайман! Мана! – Гулсаро халати чўнтағидан бир сижим пул чиқарди-да ярмини қўшни аёлга узатди: – Манг, олинг! Вой, ўлмасам, бурним қонаб кетди! – У чўнтағидан дастурмолини олиб бурнининг устига босди.

– Бу оз-ку, қолганимиз ҳозир беринг, – деди Саломат пулни санаб кўргач.

Гулсаро чўнтағини қавлаб қаловелди. Сўнг эри уйдан чиқиб қўлишидан ҳайқидими, яна бир даста пул чиқарди-да Саломатга узатди.

– Мана, олақолинг! Ўзимга бир чақам қолмади. Вах, бурнимдан яна қон оқапти! Менга томошабин бўлмай, борақолинг уйингизга!

Саломат шўша-пиша чиқиб кетди. – Нҳоят қарзимни ундирдим, – деди у уйидагиларга. – Ўзим ш пулни менга бергунча икки марта бурни қонадия!

Қарз шунақа нарса экан...

БИР СОАТЛИК “ПРОКУРОР”

– Машина олмақчидик, озгина пул етмайпти. Сени қора тортиб келавердим, – дейди ҳамкасбим Салимаҳонга маҳалладош дугонаси.

– Шундай бўлса-да қиз чиқараман, тўйгача қайтарарсан! – деди Салимаҳон дугонасига бир даста пулни тўтқазайтиб.

– Албатта тезда қайтарамиз, – деди у.

Шу воқеага уч-тўрт йил бўлди. Бу орада Салимаҳон бир эмас уч қизини турмушга узатди. Лекин ҳамон пулдан дарак йўқ... Нима қилиш керак? Қарз олган одам дугонаси. Унга қаттиқ гапириб бўлмасми? Қарзидан кечиб бўборай деса... Маошга кун қўрайдиган киши учун бу жуда оғир. Ўйлай-ўйлай, бир хийла ишлатмоқчи бўлди. Ишонасида ҳисобчи аёл бор, юрса ер гурсиллайди, ўзи янги сочини баланд турмақлаб, олифта кийнади, ҳар гапни кесиб-кесиб сўзлайди. Салимаҳон шу аёлдан кўмак сўради. Иккиси бошлашиб ўша дугонаникига йўл олишди. “Шу томонга иш билан келувдик, сени қўриб кетайлик дедим, дугонажон” деди Салима. Сўнг ёнидаги аёлни таништирди: – Бу ўртоғим прокурор бўлиб ишлайди!

– Салимаҳон шу томонларда туғилиб ўсган-да, шунинг учун ўзимга шерик қилиб олдим, – деди “прокурор” аёл қош чимириб. – Қарздор идора-

– Салима, ҳалиги қарз ўлгурни қанчондан бери уйинга овораман дейман, ҳеч вақт тополмайман. Яхшиям ўзининг бу ёлқарга йўлинг тушибди. Шуни олиб кет, дугонажон!

Салимаҳон пулни ҳамёнига солди. Айни пайтда у бир соатгагина “прокурор” бўлиб турган ҳисобчи аёлдан жуда миннатдор, унинг шарофати ила пулни қайтариб олганидан суюнаётганди.

ТЕСКАРИ ДУО

Адҳамжон ва Раъноҳон турмуш қуришганда ун йилдан ошса-да фарзанд қўришмади. Иккисининг борманган жойи қолмади. Охир-оқибат уларнинг хонадонида ҳам чақалоқ туғилди. Бутун оиланин қувони ичига сиймасди. Адҳамжоннинг топиш-тутиши яхши эди, дарҳол қўни-қўшини қақариб зиёфат берди. Сўнг ўзи хизмат сафарига жўнади. Ўша кунларда эмзикли жувон эшикнинг қаттиқ тақиллашдан чўчи кетди. Чикса отонада дўппи қийган бир йигит. “Адҳам акам қаердалар, мен у кишининг яқин укаҳони фалончибекман” деди. Сўнг хижолатли қийфада деди:

– Кенюйи, Адҳам акам илгари мендан анчагина пул қарз олганди, анча вақт ўтди, ҳамон қайтармайпти. Агар бугун топиб беролмайдиган бўлса, у киши билан ака-укачиликниям йиғиштирмаман! Ахир бугун тақдирим ҳал бўлай деб турибди.

– Адҳам акамнинг менга бу ҳақда айтмоғи-ку, нима қўлсамикан-а? – саросималанди аёл.

– Ҳа, энди эркак киши ҳамма гапниям аёлига айтвермайди-да. Узлари уйда йўқ экан, ўзингиз бир амаллаб тўлай қўлинг. Бутун шу пулни олмасам, бошқа вақтда фойдаси йўқ! – деди йигит кескин бир тарзда.

Хуллас, аёл бу деса, йигит у деди, ўзаро тортишув бошланди.

– Бермасангиз берман! Мени рақижитган одам ҳеч ўнганмаган, шуни билиб қўйинг! Ҳозир ортимга қайтишим билан тескари дуо ўқийман, сўнг уйингиз ҳам, фарзандингиз ҳам бирпасда қўйиб... – Вой, тўхтан! Жон укам, тўхтан! Ҳозир пул олиб чиқиб бераман, – аёл у ичига кириб эру-хотин жамғарган пулининг барисини кўтариб чиқди. Йигит пулни олдию тезгина хайрлашиб жўнаб қолди. – Яхшиям унинг тескари дуосидан азиз болаганимани асраб қолдим, – дея ичидан қувониб ўйлади аёл. – Майли пул топилар...

Шундай бўлса-да анчагина пул қўлдан кетганига аччиди, эри келгач бор аламини қўлиб қайтирди:

– Қанақа одамсиз ўзи? Қарзингизни вақтида тўламайсизми? Ҳеч бўлмасан сени хабардор қилиб қўймайсиз-а?

Адҳамжон воқеани хотинидан суриштириб билган, баттар жиғибирон бўлди: – Менинг унақа укаҳоним йўқ, бунақа исмли одамни танимайман ҳам. Кейин эса мен шу вақтгача бирор кишидан қарз сўрамаганман! Вой фирибгар-ей! Сени боғлаб туширибди-ку!

Аёл лабини тишлаб қолди. Ҳаммагайм ишонверсак, оқибати шунақа бўлади-да, ўзи.


Алқисса, сиз учун биттагина маслаҳатим бор. Аввало бировдан қарз сўраманг, сўраб олдингизми, уни вақтида қайтаринг. Шунда сиз ҳам қўймайди, қабоз ҳам...

Гулчехра ЖАМИЛОВА

«МОХИР ХАЙДОВЧИ»ЛАР

Аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаётган транспорт ходимлари учун яна бир нуфузли мукофот таъсис этилди. “Тошшаҳар-Йўловчтранс” акционерлик компанияси сазй-ҳаракати билан “Моҳир хайдовчи” деган фахрий ном жорий қилиниши нур устига аъло нур бўлди.

Бундай мукофот компания таркибидати қорхоналарда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган илгор транспортчиларга берилади. Яқинда “Моҳир хайдовчи” деган фахрий номга 160 га яқин транспортчи сазовор бўлди. Бундай имтиёзни илк бор қўлга киритганлар орасида автобус, троллейбус, хайдовчилари, метро машинаслари ҳам бор. Юк ташуви транспортни бошқараётган илгорлар ҳам тақдирландилар.



ЁШЛАР МАРАФОНИ

Сихат-саломатлик йили давлат дастури доирасида мамлакатимиз Конституциясининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган оммавий марафоннинг вилоят босқичи ақунланди. Қонимех-Қармана-Навоий йўналиши бўйича 38 қақирим масофада ўтказилган югуриш мусобақаларида шахар ва туманларда фолбликни қўлга киритган йигит-қизлар иштирок этди.

Ушбу мусобақадан қўзланган мақсад ақолини, айниқса, ўқувчи-ёшларни спорт машулотларига мунтазам жалб этиш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашдан иборатдир. Унда Навоий шахри спортчилари маррага биринчи бўлиб етиб келди ва мамлакатимиз бўйича ўтказилаётган марафонда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Қонимех ва Қизилтепа тумани вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди.

Улугбекнинг фожавий ўлимидан кейин Самарқанд ўзининг аввалги маданий марказлик салоҳиятини қисман йўқотди. У Абусоҳид даврида қаттиқ тушқунлики бошдан кечирди. XV асрнинг ўрталаридан бошлаб Хиротда маданий марказ ўчоғи ёлқин бир тўсга қира бошлади. Бу шўбҳасиз, Бойқаро ва Навоий номлари билан боғлиқдир. Султон Хўсайн Бойқаро фанни, адабиётни севибгина қолмасдан, уни ривожлантиришда подшо сифатида бош-қош бўлди. Масалян, у бутун ўзбек санъаткорларига ўзбек тилида асар ёзиши учун фармон берди, жуда кўп шох асарларни араб ва форс тилидан ўзбек тилига таржима қилишларини талаб этди.

Хўсайн Бойқаро ўзининг бой, ёқимли, майин ҳиссийлик шўрлар билан замоннинг кўп атоқли шоирларидан қолишмаслигини исбот этди. У ҳумдор сифатида форс тилини она тилидек пишиқ ва муштахам билса-да, ўз шўрларини ўзбек тилида ёзиб девон тузди, барчага намуна қўрсатди.

Шундай қилиб, Хўсайн Бойқаро ўзбек классик адабиётининг (Боши ўтган сонларда)

қўрқам намоёндаларидан бириси бўлган эди, десак сира янгилимаган бўламиз. Бойқаро ва Навоийлар ташаббуси билан Хирот Самарқанди ортда қолдириб, бутун дунёга донгича кетди. “Бобуронома”да Бобур бу ҳақда: “Бутун халқлар дунёсида Хиротга ўшхаган обод ва маданий шахар йўқиди” деб даяил айтди. Яна у дейди: “Султон Хўсайн Мирзонинг замони ажиб замона эрди: аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Хирот шахри мамлу эди: ҳар киши бир ишга машғуллиги бор эди, ҳиммати ва гарази ул эрдиким, ул ишни қамолга еткурғай.” (Бобуронома, 222-бет).

Навоийнинг ўзи ҳам 1499 йилда ёзган “Мўҳкаматул лугатайн” китобида шундай деган эди: “Ва ўттиз йилдан қўрқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкким, фазлу қамол аҳлига олам мамлюкининг мисри музаамми ва аъзамидур”. Бу сўзлар гарчи Хўсайн Бойқарога нисбатан қараб айтилган эрса-да, лекин унинг қаракат улуғ Алишер Навоийнинг ўзи турганлиги шакл шўбҳасиздир.

Дарҳақиқат, бу вақтларда Хуросонда, хусусан Хиротда маданиятнинг ривожланиши кўзга яққол ташланади. Бу вақтларда адабиёт соҳасида

сўз санъатининг подшоиси Лутғий-дони, Жомийни, Шайхон Сўҳайлийларни, тарихнавислик бўйича Миршонд, Хондамир, Давлатшоҳларни, расомлик соҳасида Бехроуд ва Маҳмуд Муназхоби, хатотлар раиси Султон Али Машҳад ва ҳоқазоларни, мусика соҳасида Қўлмуҳаммад, Шайхон ва бошқаларни қўраимиз.

НАВОИЙ ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ

Шунинг учун ҳам тасодифий эмаски, Оврупа ва Шарқ муштахриқлари бу даврда ривожланган мадания